

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК–ҚУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ**

**ХАМЗАЕВ АСРОРХОН АКМАЛҲОНОВИЧ**

**ТОПИНАМБУРНИНГ ФИЗИК–МЕХАНИК ХУСУСИЯТЛАРИГА  
АСОСАН КОВЛАГИЧНИНГ ЭЛАСТИК БАРМОҚЛИ  
БАРАБАНИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НАМАНГАН – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Хамзаев Асрорхон Акмалхонович**

Топинамбурнинг физик-механик хусусиятларига асосан ковлагичнинг  
эластик бармоқли барабанининг параметрларини асослаш..... 3

**Хамзаев Асрорхон Акмалхонович**

Обоснование параметров барабана с эластичном пальцам на основе  
физико-механических свойств топинамбура..... 21

**Hamzayev Asrorxon Akmalxonovich**

Substantiation of the parameters of an elastic drum finger based on the physical  
and mechanical properties of Jerusalem artichoke..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК–ҚУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ**

**ХАМЗАЕВ АСРОРХОН АКМАЛҲОНОВИЧ**

**ТОПИНАМБУРНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХУСУСИЯТЛАРИГА  
АСОСАН КОВЛАГИЧНИНГ ЭЛАСТИК БАРМОҚЛИ  
БАРАБАНИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 –Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НАМАНГАН – 2022**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Г816 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.nammqi\\_info@edu.uz](http://www.nammqi_info@edu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Байбобоев Набижон Гуломович**  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Имомқулов Қутбиддин Боқижонович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Насритдинов Аҳмаджон Абдихамидович**  
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «5» феврал соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160103, Наманган, Ислон Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: [nammqi\\_info@edu.uz](mailto:nammqi_info@edu.uz)).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18780 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160103, Наманган, Ислон Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: [nammqi\\_info@edu.uz](mailto:nammqi_info@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил «22» январ куни тарқатилди.  
(2021 йил «11» декабр даги № 23 рақамли реестр баённомаси).

  
**Ш.С.Юлдашев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор  
**В.М.Турдалиев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., профессор  
**А.Х. Умурзаков**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилларини самарали йиғиштириб олишда, жумладан, илдизмевали ўсимликлар ҳосилларини нобудгарчиликларсиз табиий сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда қовлайдиган энергия ва ресурстежамкор технологиялар ҳамда техник воситаларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этиш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида бугунги кунда 22,9 миллион гектардан ортиқ майдонда илдизмевали ўсимликлар етиштирилишини»<sup>1</sup> ҳисобга олсак, уларни тупроқдан сифатли саралаб оладиган, сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмайдиган ва ресурсларни тежайдиган машиналарни яратишни тақозо этади. Шу жиҳатдан илдизмевали ўсимликлар ҳосилини йиғиб олишда юқори иш унумига эга машиналарни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда илдизмевали экинларнинг ҳосилини шикастламасдан қовлаб олишда иш унуми юқори ва ресурстежамкор техник воситаларни янги авлодларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштиришнинг илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, қишлоқ хўжалигида пахта, ғалла, сабзавот, полиз ва илдизмевали маҳсулотларни етиштириш ва йиғиб олишда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш ва ҳосилни ўз вақтида сифатли йиғиб олишни таъминлайдиган замонавий, юқори самарадорликка эга бўлган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, энергиятежамкор технологияларни кенг қўллаш, ... принципиал яни турдаги маҳсулотларни етиштиришни йўлга қўйиш шу асосда маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда, жумладан, топинамбур ҳосилини йиғиб олишда кам энергия сарфлаган ҳолда, технологик жараённи сифатли бажарадиган машиналарни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги

<sup>1</sup> <https://www.atlasbig.com>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ПҚ-2694-сон «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II.«Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илдизмевали ўсимликлар ҳосилини қовлаш машиналарининг технологик жараёнларини тадқиқ қилиш ва эловчи ишчи қисмларини конструкциясини такомиллаштириш ҳамда параметрларини асослаш бўйича Германияда К. Dorsch, А.Kern, Н.Kirchmeir, Голландияда А.Ј.Haverkort, Р.С.Struik, Россияда Н.Н.Колчин, А.А.Сорокин, Г.Д.Петров, В.А.Хвостов ва бошқалар шуғулланишган. Хусусан, топинамбур ҳосилини қовлаб олиш машиналари бўйича Тожикистонда Н.Х.Сайдалиев, К.Портюев, ишчи қисмларини яратиш, уларнинг иш кўрсаткичларини ўрганиш бўйича Россияда, В.В. Михеев, В.И.Еремченко, Е.И.Резник, А.Г.Пономарев, В.И. Стравойтов, А.А.Монахиналар ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Республикада илдизмевали ўсимликлар ҳосилини қовлаш машиналари конструкцияларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш бўйича Р.Бойметов, Д.Норчаев, Ж.Норчаев, топинамбур қовлаш машинаси ишчи қисмларини яратиш, иш режимларини белгилаш ва параметрларини асослаш бўйича Н.Байбобоев, Т.Абдиллаев, М.Шоумарова ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари ўтказилган.

Бу тадқиқотлар асосида яратилган машина ва қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян натижаларга эришилган бўлсада, топинамбур ҳосилини қовлаб олишда туганакларни поясидан тўлиқ ажратиб олувчи қовлагичларнинг ишчи қисмларини ишлаб чиқиш, уларнинг ҳаракат режимларини белгилаш ва параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ЁАЗ-ОТ-КХ-16978-ЁАЗ-19 “УТК-1 универсал топинамбур қовлагич лойиҳасини яратиш ва дастлабки намунасини тайёрлаш” мавзусидаги ёш олимлар амалий (2014-2015) ва И-2015-2-25 «УТК-1 универсал топинамбур қовлагич лойиҳасини яратиш ва дастлабки намунасини тайёрлаш» мавзусидаги инновация (2015-2016) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** топинамбурнинг физик-механик

хусусиятларига асосан ковлагичнинг эластик бармоқли барабанининг параметрларини асослаш ва технологик схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни белгилаб олинди:

топинамбурнинг физик-механик хусусиятини ўрганиш;

топинамбур ҳосилини ковлаб олиш учун универсал топинамбур ковлагичнинг технологик схемаси ва конструкциясини ишлаб чиқиш;

универсал топинамбур ковлагичнинг ишчи органларини параметрларини назарий тадқиқ этиш ва уларнинг мақбул қийматларини асослаш;

эластик бармоқли барабан параметрлари ва иш режимини ифодаловчи аналитик боғланишларни ишлаб чиқиш;

эластик бармоқли барабанининг кинематик параметрларини асословчи математик моделни ишлаб чиқиш;

эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган универсал топинамбур ковлагичнинг тажриба нусҳасини тайёрлаш, унинг ишчи органлари параметрларини тажрибавий усулда аниқлаш;

универсал топинамбур ковлагичнинг хўжалик синовларини ўтказиш, агротехник кўрсаткичларини аниқлаш ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида топинамбур, унинг физик-механик хоссалари, ковлаш технологияси ҳамда уни амалга оширувчи ковлагич ишчи қисмларининг параметрлари ва ҳаракат режимлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ковлагич эластик бармоғи билан тупроқ ва топинамбур туганакларини ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ифодаловчи математик моделлар ва аналитик боғланишлар, агротехник ва энергетик иш кўрсаткичлари, барабанининг ҳаракат қонуниятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатлари (ГОСТ 20915-11, ТSt 63.04.2001, ТSt 63.03.2001, О'zDSt 3197:2017, РД Уз 63.03-98) да келтирилган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

элеваторнинг ишчи тирқиши эҳтимоллар назариясининг нормал тақсимланиш қонуни усулидан фойдаланиб, топинамбур туганаги ўлчамларининг вариацион характеристикаларини инобатга олган ҳолда асосланган;

топинамбур поясидан туганакларни ажратадиган ҳамда йирик фракцияли кесакларни эластик бармоқ билан ўзаро таъсири натижасида майдалайдиган ковлагичнинг конструктив схемаси ишлаб чиқилган ва технологик иш жараёни асосланган;

эластик бармоқнинг туганак билан ўзаро таъсирлашиши пайтидаги ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда саралаб олиш жараёнини ифода этувчи математик модел ишлаб чиқилган;

топинамбурнинг физик-механик хусусиятларини ҳисобга олиб ковлагич ишчи қисмининг параметрлари (барабанининг бурчак тезлиги,

диаметри ва эластик бармоқ узунлиги) ва иш режимларини ифодаловчи аналитик боғланишлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

топинамбурни табиий сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда ковлайдиган, ишчи қисмларини алмаштириш орқали бошқа илдизмевали ўсимликлар ҳосилини йиғиб олишда фойдаланиш мумкин бўлган, иш унуми юқори ва ресурстежамкор ковлагичнинг конструкцияси ишлаб чиқилган;

топинамбур ҳосилини йиғиштириб олишда эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагич қўлланилганда 1 гектар майдонга меҳнат сарфи 25,3 фоизга, эксплуатацион ҳаражатлар эса 21,9 фоизга камайишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларини ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган назарий тадқиқотлар замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган топинамбур ковлагич синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти топинамбур ковлагичнинг эластик бармоқли барабанининг конструктив, технологик параметрлари ва иш режимларини аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланишлар ҳамда элеваторда тупроқ массасининг эланиш жараёнини ифодаловчи математик модели, илдизмевали ўсимликларни йиғиштириб олувчи ковлагичларининг илмий асосларини ривожлантиришга хизмат қилиб, бу соҳадаги билимларни бойитганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилаётган эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган топинамбур ковлагич қўлланилганда 1 гектар майдонга меҳнат сарфи 25,3 фоизга, эксплуатацион ҳаражатлар эса 21,9 фоизга камайиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Топинамбурнинг физик-механик хусусиятларига асосан ковлагичнинг эластик бармоқли барабанининг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

ишлаб чиқилган янги эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган топинамбур ковлагич Пахтачилик селекция уруғчилиги етиштириш агротехнологиялар илмий-тадқиқот институти Наманган илмий тажриба станцияси майдонида ва Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги фермер хўжалигида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 14 апрелдаги 02/023-1610-сон маълумотномаси). Натижада, топинамбурни ҳосилини ковлаб олишда меҳнат сарфини 25,3 фоиз ва эксплуатацион ҳаражатларни 21,9 фоизга камайитириш имкони яратилган;

топинамбурни табиий сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда ковлайдиган, эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагичнинг лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари ва ҳисоблаш усуллари «Машхим» МЧЖ ва «ВМКВ-Agromash» АЖ га жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 14 апрелдаги 02/023-1610-сон маълумотномаси).



Натижада, топинамбурнинг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда ковлайдиган эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагични ишлаб чиқариш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқоти натижалари 9 та, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда топинамбур етиштиришнинг ҳолати ва унинг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида ҳозирги даврда республикада етиштирилаётган илдизмевали ўсимликлар, жумладан топинамбур ҳосилини йиғиштиришда қўлланиладиган технология ва техника воситаларининг таҳлили, уларга қўйиладиган талаблар, топинамбур ҳосилини йиғиш машиналари ва ишчи қисмлари бўйича бажарилган тадқиқотларнинг шарҳи келтирилган ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Топинамбурнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган топинамбур ковлагичнинг параметрларини асослаш учун топинамбурнинг физик-механик хусусиятлари ўрганилган.

Туганаклар ўлчамларининг вариацион характеристикалари илдизмевали ўсимликларни ҳосилини йиғиш машинасининг эловчи ишчи қисмлари параметрларини асослашга ва янада такомиллашган янги конструкцияларини яратишга имкон беради.

Олиб борилган тажрибавий тадқиқотлар натижасида топинамбур туганакларининг жўякда жойлашиш ҳолатлари ва ўлчамларининг вариацион характеристикалари олинди (1-расм).



1-расм. Туганак қалинлигининг умумий ўзгариш эгри чизиғи ўртача арифметик қиймати

Ушбу диаграмма қовлаш машиналарининг элеватор чивиклари орасидаги тирқиш ўлчамларини асослаш ва элеватор чивикларини тирқишдан тушиб кетиб туганакларни нобуд бўлмаслик шартидан келиб чиқиб туганакларни тупроқдан ажратиш олиш даражасини аниқлаш имконини беради.

Топинамбур туганаклари ўлчамларини тақсимланишини нормал тақсимланиш қонуни бўйича содир бўлади деб қабул қилиб, элеваторларни у ёки бу катталиқдаги тирқишда ишлаганда туганакларни нобуд бўлишини ҳисоблаш мумкин.

Кейинги фикрларни баён этишдан олдин, топинамбур туганаклари картошка туганакларига ўхшашлигини ҳисобга олган ҳолда тасодифий катталиқлар нормал тақсимланиш қонунининг баъзи бир иловаларидан фойдаланиб, топинамбур хосили учун қўлаймиш.

1-расмда  $x$  катталиқни нормал тақсимланиш эгри чизиғи кўрсатилган.

$x = x_i - x$  берилган интервал чекланишга мос келувчи юза қуйидаги интеграл билан аниқланади

$$\frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}} \int_0^x e^{-\frac{x^2}{2\sigma^2}} dx,$$

бунда  $x$ —чекланиш масофаси,  $\sigma$ —ўртача квадратик оғиш;  $e$ —натурал сон.

Ушбу интегрални қуйидагича алмаштириш киритиш ёрдамида қулай ҳисоблаш мумкин

$$z = \frac{x}{\sigma} = \frac{x_i - \bar{x}}{\sigma}.$$

Вариацион ўлчамли ҳисоблашларда  $z$  аргумент одатда  $\Phi(z)$  функция орқали белгиланади, яъни

$$\Phi(z) = 2F(z) = \frac{2}{\sqrt{2\pi}} \int_0^x e^{-\frac{z^2}{2}} dz ,$$

бунда  $F$ — $A$  ва  $B$  нуқталардан тушган чизиклар орасидаги юза,  $z$ —аргумент

Нормал тақсимланиш эгри чизиғида барча юза бизнинг ҳолатимиз учун 100% туганакларни ҳамма намунасида ҳисобга олиб, бутун оғирликларини кўйидагича кўринишда ҳосил қиламиз.

$$\Phi(z) = \frac{2}{\sqrt{2\pi}} \int_0^{\infty} e^{-\frac{z^2}{2}} dz = 1.$$

$z=3$  деб қабул қилсак,  $x=z \cdot \sigma = 3\sigma$ ;  $x=\pm 3\sigma=6$  бўлади.

Жадвал бўйича  $\Phi(z)$  функция  $z=3$  да  $\Phi(z)=0,9973$  га тенг, яъни  $\pm x=6\sigma$  оралиғида  $\sigma$  нинг ўлчамларини олиниш эҳтимоллиги 99,73 % га тенг бўлади. Демак, ушбу чегаралардан чиқиб кетувчи ўлчамларни олиниш эҳтимоллиги 0,3 % дан камни ташкил этади.

$x=\pm 2\sigma$  оралиғи ичида барча ўлчамлар қийматлари 95,45 % жойлашади ва ундан ташқарида эса 4,55 % қолади;  $x=\pm \sigma$  оралиқ ичида барча ўлчамлар қийматларни 68,3 % и ва 31,7 % ундан ташқарида жойлашади ва х.к.

Демак, туганаклар нобуд бўлишини берилган фоизи бўйича элеватор чивиклари оралиғи ёки унинг тескарисини аниқлаш учун туганаклар қалинлигини  $c$  ни ўртача арифметик қийматини ва туганаклар қалинлигини ўртача квадрат оғиши  $\sigma_c$  ни билиш лозим бўлади.

Туганаклар қалинлигини ўртача арифметик қиймати (1-расм) даги диаграммадан бевосита аниқланади:  $c=35$  мм. Ўртача квадрат оғиш  $\sigma_c$  ни кўйидаги кўринишда аниқлаймиз. Нормал тақсимланиш эгри чизиғи учун  $A$  ва  $B$  нуқталар координаталари

$$x_A = \bar{c} - \sigma_c \text{ и } x_B = \bar{c} + \sigma_c ;$$

$$y_A = y_B = \frac{1}{\sigma_c \sqrt{2\pi e}} = \frac{y_{\max}}{\sqrt{e}} \approx 0,6 y_{\max} ,$$

бунда  $\bar{c}$ —туганак қалинлигининг ўртача арифметик қиймати;  $\sigma_c$ —туганак қалинлигининг ўртача квадратик оғиши;  $y_{\max}$ —туганакнинг максимал сони

$y_{\max}$  қийматини диаграммадан оламиз, бунда  $y_{\max}=0,588$ . У ҳолда  $y_A=y_B=0,6$ ;  $y_{\max}=0,6 \cdot 0,98=0,588$  бўлган  $A$  ва  $B$  нуқталарда  $x_A$  ва  $x_B$  қийматларни берадиган,  $\sigma_c$  ни аниқлайдиган  $A$  нуқта орқали  $y_A$  қийматига мос келадиган горизонтал ўтказамиз. Туганаклар қалинлиги учун ушбу қиймат 8,25 ( $\sigma_c=8,25$  mm) га тенглиги аниқланди.

Ҳосилни техникалар билан йиғиб олишда нобудгарчилиги агротехник талаб бўйича 6 % дан кўп бўлмаслигини эътиборга олиб 6 % ли нобудгарчилик  $\Phi(z)=0,88$  қийматга мос келади. Жадвал бўйича

$\Phi(z) = 0,88$  учун  $z$  нинг қийматини топамиз, у 1,56 га тенг. У ҳолда

$$x_A = z \cdot \sigma_c = 1,56 \cdot 8,25 = 12,87 \text{ mm.}$$

Элеватор чивиклари оралиғи:  $S_{\text{элеватор}} = \bar{c} - x_A = 35 - 12,87 = 22,13 \text{ mm.}$

Шундай қилиб, элеваторни лойиҳалашда агар биз туганаклар калинлигини асос қилиб олсак, туганаклар нобуд бўлиши 6% дан ошмаслигини таъминлаш учун элеватор чивиклари тирқишининг катталиги 25 мм бўлиши керак.

Ўтказилган ҳисоблашлар Ўзбекистонда энг кўп экиладиган топинамбурнинг Файз-барака ва Мўъжиза навлари туганакларини ўлчамларини ўртача қиймати ва оғирликлари бўйича бажарилган ва бошқа шу каби навлар учун ҳам умумий характерга эга.

Диссертациянинг «**Эластик бармоқли барабан иш режими ва параметрларини назарий асослаш**» деб номланган учинчи бобида белгиланган технологик жараёни кам энергия сарфлаган ҳолда сифатли бажарилишини таъминлаш учун эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагичнинг технологик иш жараёни, параметрларини ўрганишга доир назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ишчи тирқиш  $\delta$  деганда эластик бармоқ учи ва элеватор юзаси орасидаги масофа тушунилади (2-расм).

Таклиф этилаётган ковлагичнинг максимал иш унумдорлигини таъминлаш учун ишчи тирқиш минимал ўтиш кесимидаги юзадан массани ўтиши массани узатилишидан кўп ёки тенг бўлиши лозим, яъни

$$W_{\max} \geq \gamma_{n+\delta} \cdot V_{\delta} \cdot S, \quad (1)$$


бунда  $W_{\max}$  –максимал иш унумдорлиги kg/s;  $\gamma_{n+\delta}$  –ишчи тирқиш кўндаланг кесими орқали ўтадиган массани ҳажмий оғирлиги, kg/m<sup>3</sup>;  $V_{\delta}$  –элеваторнинг тезлиги, m/s;  $S$  –ишчи тирқиш кесимининг минимал юзаси, m<sup>2</sup>.

Ишчи тирқиш кўндаланг кесими орқали ўтадиган массани ҳажмий оғирлигини қуйидаги ифода орқали аниқлаймиз

$$\gamma_{n+\delta} = \frac{8 \cdot \gamma_n \cdot \gamma_{\delta}}{5 \cdot \gamma_{\delta} + \gamma_n}, \quad (2)$$

бунда  $\gamma_n$  –тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, kg/m<sup>3</sup>;  $\gamma_{\delta}$  –ўсимлик ва ҳ.к. ҳажмий оғирлиги, kg/m<sup>3</sup>; 8 ва 5 лар массадаги компонентлар ўртасидаги миқдорларни уларнинг мос фоизларидаги миқдори билан аниқланадиган коэффициентлар.

Ўтиш кесими юзасининг унинг минимал зарурий ишчи тирқиши билан ўзаро таъсирини аниқлаймиз. Энг қийин ҳолатни кўриб чиқамиз. Бу ҳолат барабан бармоқларини бирор қатори уларнинг марказий ўқлари барабан ўқиға перпендикуляр, шунингдек, элеваторга ҳам перпендикулярдир.



2-расм. Эластик бармоқли барабан ишчи тирқишини ҳисоблаш учун схема

Ишчи тирқиш орқали аралашмаларни ўтиши учун кўндаланг кесим юзаси қуйидагича аниқланади.

$$S_{\delta} = \delta \cdot L_{\delta}, \quad (3)$$

бунда  $L_{\delta}$ —элеватор кенглиги, м;  $\delta$ —элеватор ва барабан бармоқлари орасидаги ишчи тирқиш, м.


(2) ва (3) ифодаарни ҳисобга олиб, максимал иш унумдорлиги учун (1) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$W_{\max} = \frac{8 \cdot \gamma_{\delta} \cdot \gamma_n}{5 \cdot \gamma_{\delta} + \gamma_n} \cdot V_{\delta} \cdot \delta \cdot L_{\delta}. \quad (4)$$

Бу (4) ифодадан ковлагичнинг максимал иш унумдорлиги ишчи тирқиш қиймати, бармоқ узунлиги ва элеватор тезлигига боғлиқ бўлишини кўриш мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида  $\delta = 0,015$  м,  $L_{\delta} = 0,12$  м,  $V_{\delta} = 1,2$  м/с бўлганда иш унумдорлиги 2,3 кг/с га тенг бўлиши аниқланди.

Шунингдек, эластик бармоқлар туганакни поясидан ҳам ажратади. Туганакларни пояларидан ажратиш жараёнида барабаннинг радиуси ва бармоқлар узунлиги муҳим ҳисобланади. 4-расмда эластик бармоқли барабаннинг бармоқларида туганакни ҳаракатланишини ифодаловчи схема келтирилган.



1-барабан; 2-эластик бармоқ; 3-туганак

4-расм. Туганакни эластик бармоқ бўйлаб ҳаракатини аниқлаш бўйича ҳисоб схемаси

Схемага асосан туганак ҳаракатида қуйидаги кучлар таъсир қилади:  $G$ —оғирлик кучи,  $N$ ;  $F_u$ —инерция кучи,  $N$ ;  $F_{u1}$ —туганакни бармоқ сирти билан ишқаланиш кучи,  $F_{u2}$ —туганакни элеватор сирти билан ишқаланиш кучи,  $N$ ;  $F_{mk}$ —марказдан қочма куч,  $N$ ;  $N$ —реакция кучи,  $N$ ;  $F_{nop}$ —нормал куч,  $N$ ;  $F_\delta$ —туганакнинг пояга боғланганик кучи,  $N$ .

Туганакни поясидан ажратиш жараёнида эластик бармоқ эгилади. Шунинг учун ҳисоб схемасида бармоқнинг эгилишини инобатга олиб,  $x$  ва  $y$  координата ўқлари ўтказилган.

Даламбер принципага асосан инерция кучини ва барча таъсир этувчи кучларни ўзаро мувозанатини инобатга олиб, ўқлар бўйича кучларнинг проекциялари олинган

$$\begin{aligned} m_T \ddot{x} &= G \cos \beta - F_{u_1} + F_{u_2} + F_{u_2} \sin \gamma + F_{mk} \cos \beta + F_\delta \sin(\beta - \alpha) \\ m_T \ddot{y} &= -G \sin \beta + F_{u_2} \cos \gamma - F_{mk} \sin \beta + N - F_{nop} + F_\delta \cos(\beta - \alpha) \end{aligned} \quad (5)$$

бунда  $m_T$ —туганак массаси,  $kg$ ;  $\beta$ —бармоқнинг эгилиш бурчаги,  $^\circ$ ;  $\alpha$ —туганакни пояси билан боғлиқлик кучининг горизонтал ўқ билан ҳосил қилган бурчаги,  $^\circ$ ;  $\gamma$ — $x$  ўқини горизонтал ўқ билан ҳосил қилган бурчаги,  $^\circ$ ;  $f$ —ишқаланиш коэффициентини,  $F_{u1}$ —туганакни бармоқ сирти билан ишқаланиш кучи,  $N$ ;  $F_{u2}$ —туганакни элеватор сирти билан ишқаланиш кучи,  $N$ .

Маълумки, таъсир этувчи кучлар қуйидагича аниқланади

$$\begin{aligned} G &= mg; & F_{u1} &= fN; & F_{u2} &= f m_T g; & F_{nop} &= 2 m_T \omega V_x; & F_{mk} &= m_T \omega^2 (R_\delta + L_\delta \cos \beta); \\ F_\delta &= (F_0 + F_1 \sin \theta t), \end{aligned}$$

бунда  $g$ —эркин тушиш тезланиши,  $m/s^2$ ;  $\omega_6$ —барабан бурчак тезлиги,  $rad/s$ ;  $L_6$ —бармоқ узунлиги,  $m$ ;  $F_0, F_I$ —туганакнинг пояси билан боғланиш кучининг ўртача қиймати ва уни ўзгариш чегарасининг амплитудаси,  $N$ ;  $t$ —вақт,  $s$ ;  $\theta$ —туганакли пояни боғланиш кучини ўзгариш частотаси.

Ҳосил қилинган (5) дифференциал тенгламаларнинг иккинчисидан туганакнинг  $y$  ўқи бўйича ҳаракатлана олмаслигини инобатга олиб,  $F_{ul}$  кучини Кулон қонунигаасосан аниқлаймиз

$$-F_{u_1} = -f \cdot G \sin \beta + f \cdot F_{u_2} \cos \gamma - f \cdot F_{mk} \sin \beta + f \cdot F_{nop}. \quad (6)$$

Ушбу (6) ни (5) га қўйиб қуйдаги ифодани ҳосил қиламиз

$$m_T \ddot{x} = G(\cos \beta - f \sin \beta) + F_{u_2} (\cos \gamma - f \sin \gamma) - F_{mk} (\cos \beta - f \sin \beta) - f \cdot F_{nop} + F_6 [\sin(\beta - \alpha) \cdot f \cos(\beta - \alpha)]. \quad (7)$$

Таъсир этувчи кучларни ифодаларини (7) ифодага қўйсак

$$\ddot{x} = g(\cos \beta - f \cdot \sin \beta) + \frac{F_{u_2}}{m_T} (\cos \gamma - f \cdot \sin \gamma) - R_6 \omega_6^2 (\cos \beta - f \cdot \sin \beta) - L_6 \cdot \omega_6^2 \cdot \cos \beta (\cos \beta - f \cdot \sin \beta) + \frac{F_6}{m_T} [\sin(\beta - \alpha) + f \cdot \cos(\beta - \alpha)] \quad (8)$$


ҳосил бўлади.

Эластик бармоқли барабан ҳаракат қилганда бармоқлар туганакларга таъсир қилади. Натижада туганакларни поялардан ажратади. Агарда туганак бармоқлар эгилишидан пастда қолиб кетса, туганак бармоқда ҳаракатланиб чиқиб кетади ва поясидан ажралмайди. Шунинг учун туганак бармоқ сиртида қолсагина,  $y$  поясидан ажралади. Бунда туганак шу кичик таъсирлашиш вақтида бармоқ бўйлаб ҳаракат қилганлиги мақсадга мувофиқдир, яъни  $x=0$  бўлиши керак. Шунингдек, (8) тенгламадан барабан радиусини аниқлаймиз:

$$R_6 \leq \frac{g(\cos \beta - f \cdot \sin \beta) + \frac{F_{u_2}}{m_T} (\cos \gamma - f \cdot \sin \gamma) - L_6 \omega_6^2 (\cos \beta - \sin \beta) \cos \beta}{\omega_6^2 (\cos \beta - f \cdot \sin \beta)} \cdot \frac{\frac{F_6}{m_6} [\sin(\beta - \alpha) + f \cos(\beta - \alpha)]}{\omega_6^2 (\cos \beta - f \cdot \sin \beta)}. \quad (9)$$

Тадқиқот натижаларида олинган қуйидаги  $m_T=(0,1 \div 0,15)$   $kg$ ;  $n_6=120$   $ayl/min$ ;  $L_6=0,15$   $m$ ;  $f=(0,25 \div 0,3)$ ;  $\beta=(20^\circ \div 25^\circ)$ ;  $\alpha=(10^\circ \div 15^\circ)$ ;  $\gamma=(8^\circ \div 15^\circ)$ ;  $F_I=(18 \div 32)$   $N$ ;  $F_0=(2,5 \div 4,5)$   $N$ ;  $g=9,81$   $m/s^2$ ;  $F_{u_2}=(12 \div 15)$   $N$  қийматларда (9) ифода орқали барабан радиусини ҳисобланиб, барабан радиусини параметрларга боғлиқлик графиклари қурилди. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, ковагич иш унумини ортиши билан барабанга таъсир этувчи кучлар ортади. Бунда бармоқларнинг эгилиши,


узушлиги инобатга олинганда барабаннинг радиусини кичикроқ қилиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар бурчак тезлик юқори бўлса барабан радиусини каттароқ қилиб танлаш керак бўлади. 5-расмда эластик бармоқли барабан радиусини туганак массасини ўзгаришига боғлиқлик графиклари келтирилган.



**5-расм. Эластик бармоқли барабан радиусини туганак массасини ўзгаришига боғлиқлик графиклари**

Туганакларни ажратишда барабан бармоқлари асосан туганакларни пояларига боғланганлик кучини енгишга кетади. 6-расмда эластик бармоқли барабан радиусини туганакни пояларига боғланганлик кучини ўзгаришига боғлиқлик графиклари келтирилган. Графиклар таҳлили шуни кўрсатдики, туганакларни пояларга боғланганлик кучи  $0,7 \cdot 10^2\text{ N}$  дан  $0,47 \cdot 10^8\text{ N}$  ва  $L_\delta=0,15\text{ m}$  бўлганда барабаннинг минимал радиуси  $0,152\text{ m}$  дан  $0,248\text{ m}$  гача ортишини кўрамиз.

Мос равишда бармоқлар узунлиги  $0,20\text{ m}$  гача катта қилиб олинганда барабаннинг минимал радиуси  $0,117\text{ m}$  дан  $0,161\text{ m}$  гача ортиб боришини кўришимиз мумкин.




**6-расм. Эластик бармоқли барабан радиусини туганакни поясига боғланганлик кучини ўзгаришига боғлиқлик графиклари**



Назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижасида тавсия қилинган  $L_6=(0,09\div 0,15)$  m ни инобатга олиб  $F_6\leq(0,30\div 0,35)$  N бўлишини таъминлаш тавсия этилади. Бунинг учун барабаннинг минимал радиуси  $(0,2\div 0,22)$  ва унинг бурчак тезлиги  $(13,5\div 15)$   $s^{-1}$  оралиғида бўлиши керак.

7-расмда эластик бармоқли барабан радиусини унинг бурчак тезлигига боғлиқлик графиклари ишқаланиш коэффициентларининг турли қийматларида келтирилган.



1- $f=0,25$ ; 2- $f=0,30$ ; 3- $f=0,35$

7-расм. Эластик бармоқли барабан радиусини унинг бурчак тезлигига боғлиқлиги графиклари

Олинган графиклар таҳлили шуни кўрсатдики, барабан бурчак тезлигига ортиши билан унинг минимал радиуси қиймати камайишини кўриш мумкин. Жумладан,  $f=0,25$  бўлганда барабан бурчак тезлиги  $0,12 \cdot 10^2 \text{ s}^{-1}$  дан  $0,22 \cdot 10^2 \text{ s}^{-1}$  гача орттирилганда барабаннинг минимал радиуси  $0,168$  m гача камайириш керак бўлади.

Лекин, ишқаланиш коэффициенти  $0,35$  бўлганда  $R_6$  нинг қиймати  $0,208$  m дан  $0,121$  m гача бўлади.

Демак, барабаннинг минимал радиуси  $(0,2\div 0,22)$  m,  $f\leq 0,3$  бўлганда барабаннинг бурчак тезлиги  $\omega_6=(0,13\div 0,15) \cdot 10^2 \text{ s}^{-1}$  га тенг бўлиши керак.

Диссертациянинг «Эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагич параметрларини асослаш бўйича экспериментал тадқиқотларнинг натижалари» деб номланган тўртинчи бобида назарий тадқиқотлар натижаларини текшириб кўриш ҳамда эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагич параметрларининг мақбул қийматларини асослаш мақсадида ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагичнинг назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларининг мақбул қийматлари кўп омилли экспериментларни математик режалаштириш усулидан фойдаланиб аниқланди.

Тадқиқотларни ўтказиш учун барабаннинг айланишлар сони, бармоқ узунлиги, элеватор тезлиги ва ишчи тирқиши унинг иш кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди.

Кўп омилли экспериментларни ўтказишда баҳолаш мезони сифатида тупроқнинг эланиш даражаси ( $Y_1, \%$ ), туганакларни шикастланиши ( $Y_2, \%$ ) қабул қилинди.

Тажрибалардан олинган маълумотларга “PLANEX” дастури бўйича ишлов берилди.

Бунда дисперсиянинг бир хиллигини баҳолашда Кохрен мезонидан, регрессия коэффицентларини қийматини баҳолашда Стъюдент мезонидан, регрессион моделларнинг адекватлигини баҳолашда Фишер мезонидан фойдаланилди.

Тажриба натижаларига кўрсатилган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

– тупроқнинг эланиш даражаси бўйича (%)

$$Y = +81,6209 + 1,580X_1 - 1,317X_2 - 2,333X_3 - 1,333X_4 + 4,819X_1X_1 - 1,512X_1X_2 + 2,919X_2X_2 - 2,296X_2X_3 + 3,454X_2X_4 + 3,013X_3X_4 - 3,031X_4X_4; \quad (10)$$





– туганакларнинг шикастланиши (%)

$$Y_2 = +5,7459 - 0,214X_1 - 0,413X_2 + 0,117X_3 + 0,737X_4 - 1,423X_1X_1 + 0,194X_1X_2 + 0,318X_1X_3 - 0,376X_1X_4 - 0,688X_2X_2 - 0,383X_2X_3 - 0,429X_2X_4 + 0,695X_3X_3 + 0,177X_3X_4 + 0,138X_4X_4. \quad (11)$$

(11) регрессия тенгламаси ва у асосида қурилган 9-расмдаги график боғланишлардан кўриниб турибдики, туганакларни шикастланиши барабаннинг айланишлар сонини, эластик бармоқлар узунлиги, ҳамда ишчи тирқишни ортиши билан камайган.

Параметрларнинг талаб даражасидаги иш сифатини таъминлайдиган қийматларини аниқлашда (10), (11) регрессия тенгламалари ПК «Pentium IV» компьютерида Excel дастурини «ечимни қидириш» амали бўйича 3 ва 5 км/соат тезликлар учун биргаликда ечилди. Регрессия тенгламаларини биргаликда ечишда  $Y_1$  мезон, яъни тупроқнинг эланиш даражаси 80,0 фоиздан кам бўлмаслиги,  $Y_2$  мезон, яъни туганакларни шикастланиши минимал қийматга эга бўлиш шартлари қабул қилинди.

Демак, эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагичнинг тупроқнинг юқори эланиши ва туганакларни кам шикастланишини таъминлаш учун барабаннинг айланишлар сони 120 айл/мин, бармоқнинг узунлиги 0,12 м, элеваторнинг чизиқли тезлиги 0,94 м/с, ишчи тирқиши эса 0,015 м бўлиши лозим. Омилларнинг ушбу қийматларида эланиш даражаси 81,62 фоизни, шикастланиш даражаси эса 5,74 фоизни ташкил этди.



**9– расм. Эластик бармоқли барбани туганакларни шикастланишини  $X_1$ ,  $X_2$  ва  $X_3$  омилларга боғлиқлик равишида ўзгариш графиклари**

Диссертациянинг “**Эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагични дала синовларининг натижалари ва иқтисодий самарадорлик**” деб номланган бешинчи бобида асосланган тур ва параметрларга эга бўлган эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган топинамбур ковлагич тажриба нусхасининг қисқача тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган. Ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатдики, эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагич қўлланилганда меҳнат сарфи 25,3 фоизга, эксплуатацион ҳаражатлар эса 21,9 фоизга камаяди. Бунда йиллик иқтисодий самара 51113130,868 сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

«Топинамбурнинг физик–механик хусусиятларига асосан ковлагичнинг эластик бармоқли барабанининг параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистон шароитида топинамбур ҳосилини ковлаб олиш муаммаоси етарлича ўрганилмаганлиги сабабли топинамбур ковлагичининг конструкциясини ишлаб чиқиш, унинг кинематик схемасини асослаш, мақбул ишчи қисмларини параметрларини аниқлаш ва ковлагични тажриба

нусхасини ишлаб чиқиш ҳамда тажриба синовларини ўтказишни тақозо этади.

2. Ўтказилган адабиёт ва патент материалларини таҳлили топинамбур туганакларини саралаб олишини таъминлайдиган эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагич ишлаб чиқиш имкониятини яратди.

3. Топинамбур туганакларини тупроқ массасидан ва пояларидан саралаб олиш учун эластик бармоқли барабан лойиҳалаш ва унинг параметрларини асослаш керак.

4. Эластик бармоқли барабанни яратишда ва унинг параметрларини асослашда топинамбурни физик–механик хоссаларини, яъни

$h_1$  – туганакнинг энг пастки жойлашган чуқурлиги;  $B$  – уя кенглиги;  $h_2$  – туганакнинг юқори қисмида жойлашишини ҳисобга олиш зарур.

5. Назарий тадқиқотлар асосида ковлагичнинг қуйидаги параметрлари: барабаннинг айланиш частотаси  $\omega_6=80-120$  айл/мин; бармоқларни ўрнатиш қадами  $B_{\dot{y}_k}=0,04$  м; бармоқ диаметри  $d=0,015-0,025$  м; бармоқ узунлиги  $L_6=0,09-0,15$  м; ишчи тирқиш  $h=0,10-0,15$  м; нормал босим кучи  $F_6 \leq (0,30 \div 0,35)$  N; барабаннинг радиуси  $R_6=0,22$  м, бурчак тезлиги  $\omega=(13,5 \div 15) \text{ s}^{-1}$  аниқланди.

6. Эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагичнинг 3–5 км/ҳ иш тезликларда тупроқнинг талаб даражасида эланиши ва туганакларни кам шикастланишини таъминлаш учун барабаннинг айланишлар сони 120 айл/мин, бармоқнинг узунлиги 0,12 м, элеваторнинг чизикли тезлиги 0,94 м/с, ишчи тирқиши эса 0,15 м бўлиши лозим. Омилларнинг ушбу қийматларида эланиш даражаси 81,62 фоизни, шикастланиш даражаси эса 5,74 фоизни ташкил этди.

7. Олиб борилган техник-иқтисодий ҳисобларнинг кўрсатишича, эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган ковлагични қўллаш топинамбур ҳосилини ковлаб олишда меҳнат сарфини 25,3 фоизга, эксплуатацион ҳаражатларини эса 21,9 фоизга камайтириш имконини беради. Бунинг эвазига 1 га майдон учун битта топинамбур ковлагичнинг йиллик иқтисодий самарадорлиги 5113130,868 сўмни ташкил этади.

**УЧЁНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.90.01.ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО–  
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО–СТРОИТЕЛЬНЫЙ  
ИНСТИТУТ**

**ХАМЗАЕВ АСРОРХОН АКМАЛХОНОВИЧ**

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ БАРАБАНА С ЭЛАСТИЧНЫМ  
ПАЛЬЦЕМ КОПАТЕЛЯ НА ОСНОВЕ ФИЗИКО–МЕХАНИЧЕСКИХ  
СВОЙСТВ ТОПИНАМБУРА**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**НАМАНГАН – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/T816.

Докторская диссертация выполнена в Наманганском инженерно-строительном институте  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: e-mail: [www.nammqi\\_info@edu.uz](mailto:www.nammqi_info@edu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

Научный руководитель:

**Байбобоев Набижон Гуломович**  
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

**Имомкулов Кутбиддин Бокижонович**  
доктор технических наук, профессор

**Насртидинов Ахмаджон Абдихамидович**  
кандидат технических наук, доцент

Ведущее предприятие:

**Андижанский машиностроительный институт**

Защита диссертации состоится « 5 » февраля 2022 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.90.01 при Наманганском инженерно-строительном институте (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: [www.nammqi\\_info@edu.uz](mailto:www.nammqi_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского Инженерно-строительного института (регистрационный номер 18780). (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: [www.nammqi\\_info@edu.uz](mailto:www.nammqi_info@edu.uz)).

Автореферат диссертации разослан « 22 » января 2022 года.  
(Протокол рассылки № 23 « 11 » декабря 2021 года).

**Ш.С.Юлдашев**  
Заместитель председателя Ученого совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор

**В.М.Турдалиев**  
Ученый секретарь Ученого совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор

**А.Х. Умурзаков**  
Председатель научного семинара научном совете  
при Ученом совете по присуждению ученой степени,  
д.т.н., доцент

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире занимает одно из ведущих мест разработка и внедрение энергоресурсосберегающих технологий и технических средств для эффективного сбора урожая сельскохозяйственных культур, в том числе уборки корнеклубнеплодов без потери и сохранением естественного качества. Если учесть, что «сегодня во всем мире выращивается более 22,9 миллиона гектаров корнеклубнеплодов»<sup>1</sup> то необходимо создавать ресурсосберегающие машины, способные качественно извлекать их из почвы, не оказывая негативного влияния на качественные показатели. В связи с этим разработка высокопроизводительных машин для уборке урожая корнеклубнеплодов актуальна.

Во всем мире ведутся исследования по созданию новых поколений высокопроизводительных и ресурсосберегающих технических средств для уборки урожая корнеклубнеплодов без повреждений, а также по разработке научно– технических решений по улучшению существующих. В этом направлении в сельском хозяйстве особое внимание уделяется разработке и внедрению новых методов и технологий в выращивании и уборке хлопка, зерна, овощей, бахчевых культур и корнеклубнеплодов.

В нашей Республике особое внимание уделяется внедрению современных, имеющих высокую эффективность, ресурсосберегающих техник и технологий, обеспечивающих продуктивное использование земель для получения высокого урожая, а также своевременного и качественного ими уборки урожая. В стратегии Действий развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы обозначены задачи, в том числе, «... внедрение современных агротехнологий для модернизации и ускоренного развития сельского хозяйства, использование высокоэффективной сельскохозяйственной техники, широкое применение энергосберегающих технологий, ... выращивание новой принципиальной продукции на этой основе обеспечит их конкурентоспособность и на внешних и на внутренних рынках»<sup>2</sup>. При выполнении этой задачи считается важным, модернизации технических средств и технологии уборки урожая корнеклубнеплодных растений, в частности топинамбура, за счет этого уменьшить их себестоимость.

Исследования этой диссертации в определенной мере служат в осуществлении задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за № УП-4947 «О стратегии Действий дальнейшего развития Республика Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 23 декабря 2016 года за ПП-2694 «О мерах дальнейших реформирования и развития сельского хозяйства в период на 2016-2020 годы», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от

---

<sup>1</sup> <https://www.atlasbig.com>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за №ПФ4947 «О стратегии Действий для дальнейшего развития Республики Узбекистан

7 июля 2017 года за №3117 «О мерах дальнейшего развития научно-технической отрасли сельскохозяйственного машиностроения», а также других нормативно-правовых документах, касающихся в данной сфере.

